53-516 0546

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Кармана туман ҳокими**
**___________Ф.С.Умаров**

## Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: **Кармана тумани Арабхона МФЙ Бободеҳқон кўчаси ичимлик суви тизимини таъмирлаш** харажатлари.

1.2. Танловнинг юкори қиймати – **472 116 000 (Тўрт юз етмиш икки миллион бир юз ўн олти минг)**сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган иштирокчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб смета хужжатларига асосан белгиланган график бўйича.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Кармана туман ҳокимлиги** (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Кармана туман "Талқоқ" МФЙ.

Эл.адрес: **karmana@nv.uz**

Танлов иштирокчилари таклифлари xarid.uzex.uz сайти орқали электрон тарзда тақдим этишади.

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Кармана туман ҳокимлиги** "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ТАЛАБЛАР

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар қуйидаги талаблар талаб этилади:

- ичимлик суви тизимини қурилиши хамда таъмирланишида кўп йиллик иш тажрибага эга бўлиши (иш тажрибаси бўйича тасдиқловчи хужжатларни илова қилиши) кераклиги
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги
- корхонани балансида мавжуд махсус техникалар мавжудлиги
- техника хафсизлиги қоидаларига риоя килиш талаблари ҳамда техника хафсизлиги бўйича малакали мутахассис бўлиши шартлиги.
- **reyting.mc.uz** иловасида сохавий қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги ўлчовларидаги ўрни.
- қурилиш-монтаж ишларини смета-лойиха хужжатларига асосланиб ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича кафолат хати

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

4.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

4.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

4.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

**Кармана туман хокими ўринбосари** — **Ш.Болтаев**

**Кармана туман хокимлиги бош ҳисобчиси** — **М.Умаров**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Кармана туман ҳокими
____________ Ф.Умаров
"_____" ______________2021 йил
М.Ў

**Кармана тумани Арабхона МФЙ Бободеҳқон кўчаси ичимлик суви тизиминин таьмирлаш.**

## ТЕХНИК ТОПШИРИК

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Кармана тумани Арабхона МФЙ Бободеҳқон кўчаси ичимлик суви тизимини таьмирлаш харажатлари. |
| 2 | Буюртмачи | Кармана туман ҳокимлиги |
| 3 | Буюртма учун асос | Халқ Депутатлари Кармана туман кенгашининг 2022 йил 14 октябрдаги VI-56-161-5-71-К/22-сон қарори. |
| 4 | Объектнинг жойлашган ўрни | Кармана туман "Арабхона" маҳалла фуқаролар йиғини Бободеҳқон кўчаси |
| 5 | Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари | Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар талабгор сифатида иштирок мумкин. |
| 6 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Танловдан ғолиб чиққан талабгор билан шартнома тузилгандан сўнг шартнома суммасининг олдиндан 30% тўлов амалга оширилади. |
| 7 | Ишни бажариш муддати | Ишларни бажаришнинг муддати 40 кун |
| 8 | Техника хавфсизлиги буйича талаблар | Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя килиниши шарт. |
| 9 | Молиялаштириш манбаи | Кармана туман маҳаллий бюджетидан |

**Кармана туман хокими ўринбосари** — **Ш.Болтаев**

**Кармана туман хокимлиги бош ҳисобчиси** — **М.Умаров**